

## Эзгулик йўлида кексайиш саодатдир



14:40 / 14.10.2019 2838

Ҳар бир инсон ким бўлишидан қатъий назар, бир кун келиб кексаяди. Аммо кексайиш билан кексайишнинг орасида фарқ бор. Энг яхши кексайиш яхшилик билан яшаб, яхшилик қилиб юриб кексайишдир. Агар банда Ўзини йўқдан бор қилган Роббини таниб, У Зотнинг айтганини қилиб яшаб кексайса, унинг кексалиги энг яхши, энг чиройли кексалик бўлади. Унинг кексалиги бахтга ва саодатга олиб борадиган кексалик бўлади.

Қуйидаги сатрларда шарҳ қилинадиган ҳадиси шарифларда худди мана шу ҳақиқат борасида сўз кетади.

«نَمَّ» لَاقِ؟ سَأَلْنَا رِيَّخَ نَمَّ، هَلْ لَلْ لُؤْسَرِ أَيِّ لَاقِ أَيِّ بَارِعًا نَأْ؛ رُسُوبِ نَبِّ هَلْ لَلْ دَبَّعَ نَعَّ  
يَذْمُرَتُّ لَأَهْ أَوْرَ. «هُلَمَّ عَنُ سَحَّ وَهُرْمُ عَلَّاطِ»

Абдуллоҳ ибн Бусрдан ривоят қилинади:

«Бир аъробий: «Эй Аллоҳнинг Расули, одамларнинг яхшиси ким?» деди.

«Умри узун, амали гўзал бўлган одам», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Қисқа ва жуда ҳам маъноли савол:

«Одамларнинг яхшиси ким?»

Дунёдаги барча одамларнинг яхшиси ким? Уларнинг ичида яхшилари кўп бўлиши мумкин. Аммо яхшиларнинг яхшиси ким. Набий солаллоҳу алайҳи васаллам ушбу қисқа ва балоғатли саволга жуда ҳам қисқа ва жуда ҳам балоғатли жавоб бердилар.

«Умри узун ва амали гўзал бўлган одам».

Демак, узоқ умр кўриш одамларнинг яхшиси бўлиш учун омил бўлар экан. Ўша узоқ умр эгаси одамларнинг яхшиси бўлиши учун қўйиладиган шарт – амали гўзал бўлиши экан. Амалнинг гўзал бўлиши эса Аллоҳ таолонинг динида бўлиш ва унга амал қилиш билан юзага чиқади.

Аллоҳ таоло барчамизга умри узун ва амали гўзал бандаларидан бўлишни насиб этсин!

عَبْدُيَسَّى شَبَّاشٌ نَمَّ: «لَأَقْمَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ اللَّهُ نَأْدِي بَعْنَبَ عَاضَفَ نَعِيَّئِ اسَّنْ لَأُوذِمَّرْتَلَأُو دَمَحَأْ هَأَوْرَ». «ةَمَأِي قُلْ لَأَمَوِي ءَلَأَرُونُ تَنَأَكْ، هَلْ لَأَلِي بَسَ يَفِ»

Фазола ибн Убайддан ривоят қилинади:

«Набий солаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Кимнинг бир толаси Аллоҳ йўлида оқарса, бу унинг учун қиёмат куни нур бўлади».

Аҳмад, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Ҳар бир инсон учун бир тола сочининг Аллоҳ йўлида оқариши буюк бахт, улкан саодатдир. Чунки ўша соч Аллоҳ йўлида, Исломда оқаргандир. Бундай инсоннинг соч-соқоли Аллоҳ таолонинг йўлида юриб, ибодатда бўлиб, борлиқдаги барча мавжудотга – инсонлар оламига, ҳайвонлар оламига, набототу жамодот оламига яхшилик қилиб оқаргандир. Шунинг учун ҳам Исломда оқарган ҳар бир тола қиёмат куни эгасига нур бўлиб келади.



яхшилик жамлаш, ёмонликларнинг ўчирилишига эришиш ва даражасининг олий бўлишига уринишдан иборатдир. Ҳар бир толанинг оқариши айна ўша мақомларга сабаб бўлиши жуда ҳам улуғ ишдир.

**«Кексаларни эъзозлаш» китобидан**